



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Йигиталиева Мухлиса Ахадовна

ҚДПИ. Хориҗий тиллар факультети ўқитувчиси

**ОРНИТОНИМЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ ВА УНИНГ
ДУНЁ БИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ**

Аннотация

Ушбу мақолада орнитонимик лексик-семантик майдон таркибидаги лексемаларнинг вужудга келиши, миллий лисоний тасвирини яратишида орнитонимик лексик-семантик майдонга тегишли атамаларни бошқа номинацияларда фарқлаб олиш учун зарур бўлган компонентлар юзасидан назарий ёндашишлар тахлил қилинган.

Калит сўзлар: орнитономик, семантик, лексик, номинация, компонентлар.

Орнитонимлар семантикасига оид илмий адабиётларда айрим атамалар ва тушунчаларни қўллашда бир қатор чалкашликлар мавжуддир. Жумладан, баъзи ишларда “семантик майдон” ва лексик семантик гурух терминлари ўзаро алмашиниб ишлатилади[1]. Қушлар номлари баъзан” семантик майдон “баъзи ҳолларда эса лексик “семантик гурух “сифатида ажратилади.

Барчага маълумки, ҳар қандай тил лексикаси тизимли ташкил этилган. Тил бирликларини маълум гурухларга, қатламларга макро ва микротизимларга, синонимик қаторларга ва майдонларга ажратилиб тадқиқ қилиниши ҳозирги замон тишлинослигига кенг тус олган. Бизнингча, тил лексикасини тизимли тадқиқ қилишда семантик майдон назариясига таяниш энг самарали усуллардан биридир. Зоро, семантик майдон гурухлашнинг юқорида келтирилган барча турларига нисбатан кенг деаметрга эгадир[Степанов 1998:438-440].



Чет тилининг луғат таркибини ўрганишда, айниқса, маълум бир тилнинг айни бир даврдаги лексикасини ўзлаштиришда қиёслаш методига мурожат қилмай иложи йўқ. Тилларни қиёсий тадқиқ қилишда биз турли ёндашувларга таянамиз. Зеро,” тил мураккаб, серқирра ва аспектли ҳодисадир”[Кодухов 1979:14]. Тилларни қиёсий ўрганишда майдон нуқтаи назардан, назарий жихатдан ёндашиш жуда муҳимдир. [Юсупов 2007:37-48].

Майдон концепцияси дастлаб, И.Трир[Юсупов 2007:38] томонидан таклиф қилинган бўлиб, кейинчалик Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вейсгербер, К.Ройнинг, А.Л.Креберг, Е.А.Найда , О.Духачек, Э.Косериу ва бошқа тилшунос олимлар майдон тушунчасининг турли жиҳатларини тахлил қилганлар. Майдон тушунчасига асосланиб қилинган дастлабки ишларда тилда катта аҳамиятга эга бўлган тил бирликлари ўрганилган. Ҳозирда эса кичик, муҳим аҳамият касб этмайдиган тил бирликлари ҳам майдон концепциясига таянган ҳолда ўрганилмоқда.

Тиллар назариясини қиёсий тадқиқ қилишда майдоний ёндашув қанчалик самарали эканлигини таниқли тилшунос олимлар Е.В. Гулыга, Е. И. Шендельс, А.В. Бондарко , З.А. Макаева, Г. С. Щур, А.Я. Шайкевич, Г. Ипсен, Ю.Н. Караполовлар, Н.И. Филичева ва М.И.Расоловани ишларида кўриш мумкин.

Биз қуйида айрим лингвистик майдонларни кўриб чиқамиз.

Майдон концепцияи асосчиси И.Трирнинг фикрига кўра тушунчалар дунёси турли тушунчалар майдонига бирлашади. [Юсупов 2007]. Тилда ўзгариш содир бўлиши билан бирга, майдон қайта бўлиниши хисобига майдон структураси ҳам ўзгаради. И. Трирнинг майдон концепцияси Л.Вайсгербернинг майдон концепциясига мос келади. Л.Вайсгербернинг назариясига кўра одамзод дунёкараши фақат майдон орқали аниқланади, майдон эса ўзида тилнинг бир қисмини намоён қиласди. Майдонлар бир ўлчамли ёки кўп ўлчамли бўлиши мумкин. Кўп ўлчамли майдонда эса икки ёки ундан кўп оятлар жамланади. Тилшунослар фикрига кўра, майдон ичидаи нуқтаи-назарлар сонини аниқлаш методикаси семалар тахлилига яқинdir.

Тушунча майдони концепциясини муҳокама қилиш натижасида семантик майдон концепцияси вужудга келди.

Семантик майдон термини Г.Ипсен томонидан илмий истеъмолга киритилган. Олим семантик майдон деб умумий маънога эга сўзлар мажмуини тушунган. Ипсен фикрича семантик майдонга кирувчи сўзлар фақат битта сўз туркумiga доир ва умумий маънога эга сўзлар бўлиши шарт [Ипсен].

Синтактик майдон концепцияси В.Порциг томонидан илгари сурилган. В.Порциг синтактик майдон деб турли сўзларнинг бир-бирлари билан биришиб синтактик муносабат ифодалай олишини тушунган Масалан: Субъект-предикатив бирикиши қуш ва сайрамоқ сўзлари биришиб субъект –предикатив муносабатни ифодалайди: қуш сайрайди. Н.И.Филичева синтактик майдон деб объектив борлиқни акс эттирувчи умумий синтактик маънога эга бўлган синтактик қолиллар йифиндисини тушунади. Синтактик майдонда марказ-периферия муносабатлари мавжуд бўлади (Филичева 1977: 15-18)

Шарль Балли ассоциатив майдон концепциясини яратувчиси хисобланади. Ассоциатив майдон замирида тил эгаси онгида муайян сўзга алоқадор бўлган сўзлар



гурхини тушунади . Масалан :бургут сўзи онгда тоғлар йиртқич, мағурулік қушлар шоҳи ва хоказоларни эсга туширади.

Тилшунослиқда грамматик майдон концепцияси В.Г Адмони томонидан илгари сурилган [Адмони 1964 :49]. В.Г. Адмони фикрига кўра грамматик бирликда марказ ва периферияга эса иккинчи даражали воситаларни акс эттирувчи воситалар, периферияни эса иккинчи даражали воситаларни акс эттирувчи воситалар ҳосил қиласди . [Адмони 1964].

Функционал – семантик майдонконцепцияси А. В. Бондаркогатегишли бўлиб, у комплекс категориядир. У бир маънони ифодаловчи турли сатхлардаги бирликлар тизимиdir. Функционал – семантик категорияда маъно ва ифода плани мавжуддир. Ифода плани тилнинг турли сатхларга (морфологик, синтактик, сўз ясовчи, лексик) дахлдор бўлган тил воситаларини ҳосил қиласди. Одатда функционал –семантик майдонда ядро ва периферия мавжуд бўлади. А.В.Бондарконинг фикрича функционал –семантик майдон компонентлари орасида морфологик категория мавжуд бўлса, у ҳолда у ядро бўлиши лозим. Функционал – семантик майдоннинг минимал элементи функционал- семантик микромайдондир[Бондарко 1984: 102].

Бу микромайдонда ҳам ифода плани мавжуддир. Микромайдонлар қатори фон ва спецификатордан ташкил топган тузилишга эга Фон микромайдоннинг семантик асоси бўлиб, у бир неча микромайдонларни бирлаштиради. Спецификатор эса фон иифодалаган маънони аниқлаштиради ва тўлдиради . Фон бир неча майдонларни бирлаштирилганлиги туфайли интеграл характерга эгадир, спецификатор эса бир микромайдонни иккинчисига қарши қўйиб, дифференциатор вазифасини ўтайди. А.В.Бондарко ўзининг функционал – семантик концепцияси тилларини қиёслашда жуда кенг қўлланади деган фикрни илгари суради.

Юқорида таъкидланганидек, тилларни назарий жихатдан қиёслаб ўрганишда майдон концепцияси жуда аҳамиятли ва самаралидир. Ҳар қандай тилнинг лексик структураси лексик категориялар иерархиясини ташкил қиласди[Расурова 1996]. Орнитонимлар тилнинг лексик қатламига дахлдор эканлигини хисобга олиб, Г. Ипсенning семантик майдон концепциясига таянган ҳолда, қушлар номлари бир лексик - семантик майдонни ташкил этади деган хуносага келдик ва ушбу бўлим номини орнитонимик лексик семантик майдон ва унинг таркиби деб номладик.

Орнитонимик лексик- семантик майдон таркибидаги лексемаларнинг вужудга келиши ибтидоий жамоа давридаги меҳнат фаолиятига бевосита алоқадордир. Бу майдон таркибидаги тил бирликларининг шу қадар узоқ даврлардан бери ўз қимматини йўқотмаганлигига сабаб, уларнинг семантик структурасини кўп тармоқлигига , яъни иккиламчи, кўчма маънолар юзага чиқишига бўлган мойилликнинг кўплигидадир.С.Г. Ватлецовнинг таъкидлашича орнитонимлардан бошқа воқеа ҳодисаларни ифодалашучун фойдаланиш моддий борлиқдаги объектларни номлаш жараёни яъни номинация жараёни билан узвий боғлиқдир.[Ватлецов 2001: 10]. Орнитонимик лексик- семантик майдоннинг ўзига хос жихати шундаки, унинг таркиб доираси сезиларли даражада кенгдир. Орнитонимик лексиксемантик майдон таркибига киравчи бирликларнинг луғавий изохида қуш лексемасидан ташқари парранда, қанотлилар, жонзод каби архисемалар ҳам учраши мумкин. Бу ўз ўрнида орнитонимик лексик-семантик майдонга тегишли номинацияларни бошқа номинацияларда фарқлаб олиш учун зарур бўлган компонентлардир. Орнитонимик лексик семантик майдон таркибини аниқлаш учун жуда қийин масала. Дунёдаги



барча қушларнинг сони ёки уларнинг неча тури борлиги ҳақидаги аниқ факт ҳеч кимга маълум эмас. Бунинг сабабини зоологлар йилдан – йилга янги турдаги ҳайвон пайдо бўлади дея эътироф этмоқдалар. Шу кунгача олимлар томонидан ҳайвонларнинг тахминан 1.2 миллион тури мавжудлиги аниқланган. Бундан тахминан 1миллиони ҳашоратлардир. Балиқларнинг 21.000тури, қушларнинг 9700 тури, судралиб юрувчи ҳайвонларнинг 6.500 тури. Ҳам сувда ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг 4.000 тури, ва сут эмизувчиларнинг 4.500 тури мавжуд. [The world book Encyclopedia Volume A, 1:468-469]. Ҳайвонларни гурухларга ажратишида уларнинг қаерда (яъни сувда, қуруқликда ҳам сувда ҳам қўруқликда) яшashi, оёқлари сони (икки оёқли ёки тўрт оёқли), ҳаракатланиш усули (учиши, юриши, судралиб юриши) каби омилларга эътибор берилади. Бундан ташқари мазкур жонзотлар иссиқ қонли ва совуқ қонли умуртқали, умуртқасиз ҳайвонлар гурухларига ҳам бўлинади. Орнитонимларни илмий жиҳатдан қариндошлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда уларнинг аждодлари билан бир хил бўлган ёки ўҳшаш хусусиятлари жамланади ва шунга қараб гурухланади.

Биз орнитонимик лексик-семантик майдон ва унинг таркибини аниқлашда компонент таҳлил методидан фойдаландик. Луғавий изоҳида парранда, қуш жонзод каби архисемалардан бири, йиртқич, ёввойи хонакилаштирилган каби интеграл семалар ва фарқловчи семалар ҳамда эркак ургочи каби изоҳлар бўлган барча лексик бирликларни орнитонимик лексик семантик майдон таркибига қўшдик Орнитонимик лексик-семантик майдон таркибиغا киравчи сўзларни макро- ва микромайдонларга ажратдик. Тахлил қилинган қушлар номлари макромайдони қуидагича:

1. Хонакилаштирилган қушлар номлари
2. Ёввойи қушлар номлари
3. Сув қушлари номлари
4. Афсонавий қушлар номлари.
5. Йиртқич қушлар номлари.

Ҳар бир макромайдон бир неча микромайдонлардан ташкил топган. Масалан, хонакилаштирилган қушлар номларини англатувчи лексик-семантик макромайдони ўз навбатида қуидаги микромайдонларга бўлинади.

Парранда номлари(hen, cock, poultry avifauna, barnyard fowl, товуқ хўроз, курка, ғоз);

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки орнитонимлар кўчмамаъноларига алоқадор бўлганлиги сабабли, орнитонимик лексик – семантик майдоннинг ички таснифида асосан орнитонимларнинг ёввойи ёки хонакилаштирилган эканлигига эътибор беришни афзал билди. Чунки, мазкур тадқиқотнинг асосий вазифаси айнан қайси орнитонимлар ургочи ёки эркак тавсифини беришда кўпроқ этишини илмий нуқтаи назардан аослаб беришдир. Орнитонимларнинг одамларга қанчалик яқин яшashi, уларнинг инсонни тавсифида шунчалик кенг ишлатилишидан дарак беради. Масалан, чумчук ёки олақанот орнитонимларнинг кўчма маънолари мавжуд эмас. Аммо, бургут, читтак, товуқ хўроз товус каби хонакилаштирилган ва хонакилаштирилмаган паррандалар узуал кўчма маънога эга орнитонимлардир.

Орнитонимлар ҳар бир халқ тили ёрдамида дунёнинг миллий лисоний тасвирини яратишда муҳим роль ўйнайди.



Бундай ҳолат оламнинг лисоний манзарасини концептуал манзарага бўйсунишини англатади. Шу тарзда оламнинг лисоний манзараси ном бериш фаолиятида яратилади, концептуал ва лисоний олам манзарасини ўрганиш когнитив ёндашувини амалга оширади.

Билишнинг асосий жараёнларидан бири концептуаллаштириш бўлиб, бу- билиш натижаларини билим бирликлари –концептлар қўринишида ажратиш англаш ва мустахкамлашдир. Кўринадики, инсон мулоқот жараёнида, предмет ва ҳодисаларга ном беришда оламни билиш жараёнида концептуаллаштирилган билимга таянади. Концептуаллаштириш – бу қабул қилинувчи маълумотни тушуниш, обьектлар ва ҳодисаларнинг ақлий қурулиши бу олам хақидаги баъзи фояларни концептлар ҳолида шаклланишига олиб келади, масалан, уй, вақт, макон, абадийлик, ҳаракат ва бошқалар. Ушбу концептларнинг асосий қисми аниқ сўзларнинг маънолари билан тилда ўрганилади, бу эса олинган билимларнинг сақланишини авлоддан – авлодга узатилишини таъминлайди. [Кубрякова Е.С.,]Демъянков В.,31997 ;].

Концептуаллаштириш билиш фаолияти хисобланад, аммо якуний натижаси ва мақсадига кўра фарқланади. Концептуаллаштириш жараёни инсон тажрибаси, билим тузилмаларининг минимал мохиятли бирликларини категорияларга бирлаштиришга қаратилган ва таснифлаш жараёни ўҳашаш ёки ўҳашаш бирликларни категорияларга бирлаштиришга қаратилган. Концептуаллаштиришнинг мақсади : янги концептуал хусусиятларни аниқлаш орқали олам, унинг обьектлари, ҳодисалари, хусусиятлари шахснинг ўзи субъект ҳамда обьект сифатида олам хақидаги билимларни тўплашдан иборатдир. Концептуаллаштириш – обьектив олм хақидаги умумий билим сифатида барча обьектлар, ҳодисалар ва уларнинг хусусиятларидир. Таҳлил обьекти эса мазкур концептни намойиш этувчи барча тил бирликлари хисобланади. Адресатга мулоқот жараёнида фикрни етказиб бериш учун лисоний воситалар ёрдамида билим бирликлари танланади(индивидуал билимнинг натижаси).

Табиийки, юқорида номи зикр этилган ва этилмаган омиллар бир тил ёрдамида оламни кўриш, билиш ва лисоний тасвирни яратишда турлича маҳсулот яратишга олибкелади. Ўсимлик, күшлар ва ҳайвонот номларининг турли халқлар томонидан турлича берилишининг ўзи фикримизнинг тасдиғи хисобланади. Мисол учун пичноқтиш – “пичноқтиш жағлардаги яхлит пластинкачадан иборат тишлари билан дengiz кирписи, моллюска каби ўлжаларини тошлардан узиб, кесиб олади”ган балиқ тури. Инглиз тилида бу балиқ knifejaw (knife – пичноқ jaw-жағ) деб номланишини боиси мазкур балиқнинг жағ қисмининг пичноқ шаклида эканлигидир.

Тилда сўзлашувчилар томонидан турли номлар берилиши ва нарсаларни номлашда турли белгиларнинг доминант белги қилиб олишга боғлиқлигини таҳлил қилиш номинация ҳодисаси ва унинг атрофидаги ҳамда унга боғлиқ ҳодисаларни ўрганишни тақозо этади.

Демак, номлаш категоризация ва концептуализацияда сўзловчининг обьектга, борлиққа муносабатига боғлиқ экан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Караулов Ю.Н. Структура лексико-семантического поля [Текст] / Ю.Н. Караулов // Филологические науки. 1972. – № 1. – С. 57-68.
2. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. М. 2003.



3. Адмони В. Г. Основы теории грамматики. М.; Л., 1964.— С. 87-92.
4. Кодухов В.И. Общее языкознание. М. 1979. С.20-25; С.202-281.
5. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. Ташкент: Фан, 2007. — 127 с.
6. **С.Г. Ватлецов – 2001** Систематика зооморфной лексики и ее англо-русская эквивалентность
7. The world book Encyclopedia Volume A, 1: 468-469.